# Бошланғич синфлар ҳафтасига беш кун ўқийди

*Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим тизимининг барча босқичида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Энг асосийси, бу ўзгаришлар натижасини юртдошларимиз фарзандлари тақдири мисолида яққол ҳис этаяпти.*

## ҒАМХЎРЛИК

Хусусан, жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфлари ҳафталик ўқув давомийлиги 5 кун бўлган ўқиш жараёнига ўтказилиши ҳаётий ислоҳотлардан яна биридир.

Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги йиғилиш баёнида умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларини (1 — 4-синфлар) ҳафтасига 5 кунлик ўқиш жараёнига ўтказиш вазифаси белгиланган. Бундан кўзланган асосий мақсад ота-оналарнинг фарзандлари билан оилавий дам олишларига янада кўпроқ имконият яратиш, ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш ҳамда оилавий анъаналарни шакллантиришдан иборатдир. Шунингдек, бундай имконият орқали ўқувчилар ота-оналари билан биргаликда театр, музей ва тарихий обидаларга саёҳат қилишларига замин яратилади. Қолаверса, ҳафтанинг шанба кунлари муассасаларда ўқувчиларнинг қизиқишлари ва хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда, турли фан тўгараклари, спорт секциялари ва маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ташкил этилади.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 1 мартидан эътиборан республикадаги барча умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари ҳафтасига 5 кунлик ўқишга ўтади. Янги ўқув йилидан эса босқичма-босқич қолган бошланғич синфлар ҳам ҳафтасига 5 кунлик ўқишга ўтказилади.

Шу муносабат билан ҳозирги пайтда вазирлик ва ҳамкор ташкилотлар томонидан жойларда ота-оналар ўртасида кенг қамровли тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур янгилик маҳаллаларда, оилаларда, таълим муассасалари ҳамда ижтимоий тармоқларда қизғин муҳокама этилаяпти. Ота-оналар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар билдираётган фикрлардан умумий хулоса шуки, барча юртдошларимиз мазкур хабарни мамнуният билан қабул қилаётир.

— Уч нафар фарзандим бор, — дейди Тошкент вилояти, Янгийўл туманида яшовчи Севара Шамсиддинова. — Каттаси биринчи синфда ўқийди, иккинчиси боғчага боради, учинчиси эса бир ярим ёшда. Турмуш ўртоғим эрта ишга кетади, қизимни ўзим мактабга олиб бораман. Шоша-пиша келиб, иккинчиси билан боғчага югураман. Уйга қайтиб, кичкинамга қарайман, овқат пишираман дегунимча, катта қизимнинг дарслари тугаётган бўлади. Яна унга боришим керак. Шу тарзда олти кун югур-югур... Қизим шанба куни мактабдан чарчаб келади, дарсларини ўзлаштиришда мендан кўмак сўрайди. Мен эса атиги бир кунлик дам олиш куни — якшанбада эса уларнинг кийимларини ювиш, дазмоллаш, ювинтириш ҳақида ўйлаб, ўқишга эътибор қилишга вақтим етмайди. Дадаси эса ишдан жуда кеч, чарчаб қайтади. Мактабда бошланғич синфларнинг 5 кун ўқишидаги хабарни эшитиб, жуда ҳам мамнун бўлдим. Биздек ёш оилаларни ўйлаб, шундай хулосага келганлардан миннатдормиз.

Болалар психологи Нигора Камолованинг айтишича, олти кунлик дарслар ёш болаларга оғирлик қилади.

— Ҳамма нарса меъёрида бўлсагина, кўзланган мақсадга эришилади, — дейди у. — Айниқса, бунда бошланғич синф ўқувчиларининг ҳордиқ олишига, иложи борича, кўпроқ вақт ажратиш керак. Уларнинг ота-она бағрида кўпроқ бўлиши зеҳнини ўткирлайди, қобилиятини тоблайди.

Юқорида қайд этганимиздек, ушбу ўзгариш замирида, асосан, ота-оналарнинг фарзандлари билан оилавий дам олишларига, маданий тарихий обидаларга бирга саёҳат уюштириш каби масалалар алоҳида инобатга олингани янада эътиборлидир. Зеро, фарзанд ота-онаси ёнида экан, у бундан куч олади, меҳр туяди, ўзига бўлган ишончи ортади. Ўзига ишонган ўғил-қиз эса дарс тайёрлашдан, такрор мутолаадан безмайди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Fitch Ratings
халқаро рейтинг агентлиги
«ТРАСТБАНК»
хусусий акциядорлик банкининг
рейтинг кўрсаткичини
«Барқарор»
«В»
даражада тасдиқлади.

Call–center: (+99871) 140–00–88.
www.trustbank.uz

«Трастбанк» — ишонч билан юзма-юз.

Хизматлар лицензияланган.



QQB | QISHLOQQURILISHBANK

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ

компьютер қурилмаларини етказиб бериш бўйича танлов савдолари эълон қилади.

Танловда компьютер қурилмаларини ишлаб чиқарувчи ва/ёки етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлган маҳаллий фирма ҳамда ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Танлов комиссиясининг ишчи органи номи ва манзили:
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Ахборот технологиялари департаменти,
Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 18-«А» уй.
Телефонлар: (0-371) 150-72-55, 150-93-39.
Масъул шахс — Шерзод Султонов.

Компьютер қурилмаларига қўйиладиган техник талаблар ҳамда танлов шартлари маълумотлари «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ веб-сайтининг **www.qqb.uz/uz/tenders** манзилида жойлашган.

**Танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2018 йил 27 февраль куни соат 16.00.**

149R/488

Хизматлар лицензияланган.

WorldBuild Tashkent
ufi Approved Event
Ўзбекистоннинг етакчи қурилиш кўргазмасига марҳамат!
2018 йил 28 февраль — 2 март.
Ўзбекистон, Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ» МКК, 1 ва 2-павильон.
www.worldbuild-tashkent.uz
Махсус бўлим:
ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
BuildTech
Дастлабки икки кун фақат тармоқ профессионаллари таклиф этилади!
WorldBuild Tashkent
ITE
ITECA EXHIBITIONS
Тел.: (+99871) 205-18-18.
E-mail: uzbuild@ite-uzbekistan.uz
ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ
Guvohnoma № 3583
57R/770

Поставка и сервис
геодезических приборов, GNSS-приемников, измерительных средств для строительства:
GEO INFORM
GNSS-приемники
Электронные/роботизированные тахеометры
Нивелиры (электронные, оптические, лазерные)
Теодолиты (электронные, оптические)
3D лазерные сканеры
Лазерные измерительные приборы для строительства
Приборы неразрушающего контроля и технической диагностики
100011, г. Ташкент,
ул. Осиё, 6, офисы 94—95.
Тел./факс: (+99871) 150-17-66, 150-17-67.
Тел. (+99890) 189-59-41.
E-mail: info@geoinform.uz
www.geoinform.uz
Товар сертифицирован
Услуги лицензированы
12R/808

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АТБ
ХОНҚА ФИЛИАЛИ
2018 йил Хонқа тумани, Сарапаён қишлоғи, Истиқлол маҳалласининг 898-қисм контуридаги қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасига кирмайдиган ер майдонида эни 25 метр, бўйи 30 метр бўлган, 80 та ўринга мўлжалланган 3 қаватли банк биноси қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича
танлов эълон қилади.
*Лойиҳа-смета ҳужжатлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.*
Қўшимча маълумот олиш учун манзил:
Хоразм вилояти, Хонқа тумани,
Нафосат кўчаси, 30-уй.
Телефонлар: (0-362) 770-43-83, 770-43-82.
146A/74
*Хизматлар лицензияланган.*

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

ПРОФНАСТИЛ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
галванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-18, С-35
Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган галванизацияланган ва полимерик маҳсулотдан фойдаланилади.
**Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.**

ГАЛВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
0,4 мм. — 33 000 сўм / п.м.
0,5 мм. — 39 000 сўм / п.м.
0,7 мм. — 54 300 сўм / п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
RAL 3005 0,45 мм. — 48 000 сўм / п.м.
RAL 3005 0,50 мм. — 51 800 сўм / п.м.
RAL 6005 0,45 мм. — 48 300 сўм / п.м.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилинг: (+ 99895) 197-00-93.
69R/808

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 245. 139 555 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6785

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.10 Топширилди — 03.00 1 3 4 5 6